Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН ҲАЁТИ

№ 259 (20. 826) • 1990 йил 13 ноябрь, сешанба • Баҳоси 4 тийин.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Ғолибларни қутлаймиз

ФАОЛЛИК

ССЖИ Кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати вазирлиги ҳайъати билан тармоқ касаба уюшмаси марказий комитети тармоқ ходимлари Бутуниттифоқ мусобақасининг учинчи квартал якунларига кўра, биринчи ўринни ҳамда кўчма Қизил Байроқни «Узбитхим» ишлаб чиқариш бирлашмасига берди.

Тошкентлик кимёгарлар мукофот топширилишини кутишларига тўғри келмайди. Чунки байроқ бутун йил давомида уларнинг ўзларида эди. Бу кўп нарсадан далолат беради: бу ерда 10 ой ичида режадагига қўшимча равишда минг тоннадан зиёд кукунсовун ишлаб чиқарилди. Бирлашма жамоаси декабрь ойининг ўрталаридаёқ йиллик топшириқ бажарилганлиги тўғрисида маълумотнома бериш ниятида. Айни пайтда ишлаб чиқарувчилар ишланмаларни жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида яхши маълум бўлган Киевдаги «Кимёлойиҳа» илмий тадқиқот институтининг «Янгилик»ларини ишлаб чиқаришга жорий этиш устида фаол меҳнат қилишмоқда.

МЕБЕЛСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

«Янгийўл» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси тўққиз ойлик иш якунларига кўра Бутуниттифоқ соцналистик мусобақасининг ғолиби, деб топилди.

Иттифоқ вазирлиги ва тармоқ касаба уюшмаси комитети раҳбарларининг имзоси билан корхонага келган телеграммада меҳнат жамоасига кўчма Қизил Байроқ ва катта пул мукофоти берилганлиги хабар қилинади. Янгийўл мебелчилари меҳнат унумдорлигини мунтазам равишда оширганликлари ва аъло сифатли маҳсулот тайёрлаганликлари туфайли муваффақиятга эришдилар.

(ЎзТАГ).

Америкалик иқтисодчилар қабул қилинди

Америкалик таниқли иқтисодчилар — АҚШ сенати бюджет комитети аппаратининг директори Д. Хилли ва шу комитет аппарати директорининг ўринбосари Д. Олин Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибдилар. Уларнинг ташрифидан мақсад иқтисодий алоқалар ўрнатиш имкониятларини аниқлашдир.

11 ноябрь куни Д. Хилли ва Д. Олинни Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов қабул қилди.

Меҳмонлар жумҳуриятда қайта қуришнинг бориши, бозор муносабатларига ўтиш шароитидаги ҳозирги босқичда иқтисодиётнинг ривожланиши билан таништирилди.

Ҳар икки томон турли соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш масалаларини чуқурроқ ўрганиш истагини билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССЖ Давлат режа қўмитаси раисининг ўринбосари П. Х. Носиров иштирок этди.

(ЎзТАГ).



Қабул пайти.

Ф. Қурбонбоев олган сурат. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон шифокорларининг I қурултойи қатнашчиларига

Инсон саломатлигини ҳимоя этиш борасида жонбозлик билан, меҳнат қилаётган жумҳуриятимизнинг барча тиббиёт ходимларини, анжуман делегатлари ва азиз меҳмонларни Ўзбекистон шифокорларининг I қурултойи билан самимий табриклайман.

Инсон зоти борки, муқаддас касб эгаси — шифокорга доимо нажот кўзи билан термулади, уни ўзининг ҳамдарди ва ҳамшираси деб билади. Шу маънода, шифокор наинки айрим кишилар, балки буткул жамият саломатлиги учун масъул бўлган касб эгасидир.

Биз учун элимизнинг, халқимизнинг эгнини бут, дастурхонини тўкин ва айниқса, ҳар бир фарзандини соғлом, бардам, бақувват кўришдан ҳам олийроқ ният йўқ.

Биз яхши тушунамизки, бундай олийжаноб мақсадларни ҳал этишда тиббиёт ходимларига моддий-техникавий, ижтимоий ва маиший жиҳатдан биз катта ёрдам беришимиз лозим, меҳнатингизни муносиб баҳолай олмогимиз керак.

Бу ишда биз ўзимизни доимо қарздор ҳисоблаймиз. Шу йўналишларда биз катта-катта муаммоларни ҳал этишимиз зарур.

Узоқ йиллар кўр-кўрона, итоат билан, мутеларча давом этган қатор «интилиш»ларимиз халқимиз соғлиғига катта зиён етказди, ҳаттоки келажак наслларимиз саломатлигини ҳам хавф остига қўйди. Мана шу мудҳиш хатоларни бартараф этиш, буткул йўналишлар халқ ва ҳар бир кишининг соғлиғи, саломатлиги учун астойдил курашиш барчамизнинг виждоний бурчимиздир. Бу йўналишда изчил сиёсат олиб боришни жумҳурият Президенти сифатида шахсан мен ҳам ўзимнинг бурчим деб биламан.

Афсуски, ҳозирги вақтда тиббий ёрдамнинг савияси хаста дилларнинг эҳтиёжидан анча орқада қолмоқда. Бу — аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида кескин ўзгаришларга эришишни тақозо этади.

Биз фақат ўзимизнинггина, замондошларнигина эмас, айни вақтда, келажак наслларнинг саломатлигини ҳам айнан шу кунларда ўйлашимиз зарур. Бунинг учун хотинқизларимизнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам савиясини юксалтиришга алоҳида аҳамият беришимиз керак.

Меҳрга зор қариялар, етим-есирлар, жисман ногирон кишиларнинг бошини силашимиз лозим, токи уларнинг кемтик кўнгилларидаги барча гинаю кудуратлар унут бўлсин, улар ҳам ўзларини ҳамма қатори керакли ва эъзозли одамлар дея ҳис эта олсинлар. Меҳр-шафқат ҳам тиббиётдан кам бўлмаган равишдаги олий муолажадир.

Оролбўйида истиқомат этаётган юз минглаб одамларнинг ночор аҳволи юрагимизда тугун бўлиб турибди — тарих ва келажак уларга зудлик билан ёрдам беришни талаб этмоқда.

Қилинажак ишларимиз жуда кўп ва жуда оғир. Аммо, имоним комилки, жумҳуриятимиз шифокорлари, барча тиббиёт ходимлари, олиму-уламоларн халқ ишончини оқлаб, буюк алломалар ва устозлар мададига суяниб, уларнинг илғор анъаналарини давом эттириб, зиммаларидаги вазифаларни шараф билан адо этадилар.

Сизларни, сизларнинг тимсолингизда жумҳуриятимизнинг барча шифокорларини яна бир бор самимий қутлайман. Барчангизга омад тилайман. Савобли ишларингизда толе ёр бўлсин, азиз дўстлар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президенти **И. КАРИМОВ.**

(● Жумҳуриятимиз шифокорлари I қурултойидан репортажни рўзноманинг учинчи саҳифасида ўқийсиз).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИНИНГ ҚОНУНИ

Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида

Жумҳуриятнинг етилган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтиришни, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш юзасидан кечиктирмай чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тақозо этади. Бундай шароитларда милиция ходимлари хавфсизлигини, уларнинг шани ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Милиция ходимларини ўлдириш, қуролини олиб қўйиш мақсадида уларга ҳужум қилиш, уларнинг хизмат фаолиятига аралашиш қоллари оз эмас. Бу эса меҳнаткашларнинг адолатли норозилигини келтириб чиқармоқда.

Милиция ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланганлигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши **қарор қилади:**

I. 1. Милиция ходимлари давлат ҳокимиятининг вакили эканлиги, давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиши белгилаб қўйилсин. Милиция ходимининг қонуний талабларини барча фуқаролар ва мансабдор шахслар бажаришга мажбурдирлар.

(Давоми учинчи бетда).

«Обуна—91»

МИННАТДОРМИЗ

Биз Тожикистон ССЖда яшаймиз. Қубадиён районида 18 минг киши Ўзбекистон рўзнома ва ойномаларини олиб ўқимоқда. Биз келгуси йил учун ҳам ана шу рўзномаларга обуна бўлмоқчи эдик. Бироқ, нарх кескин кўтарилгани ва 33 сўм қилиб қўйилгани кўпчиликни қийнаб қўйди. Шуни эътиборга олиб, жумҳурият Президентига ёрдам беришни сўраб телеграмма юбордик. Яқинда Ўзбекистон ССЖ «Союзпечать» агентлиги бошлиғидан жавоб хати олдик. Унда бошқа жумҳуриятлар учун обунанинг устама ҳақи бекор қилинганлиги айтилган эди. Биз Президентга юборган телеграммамиз ва жавоб хатни ўз рўзномамизда босиб чиқардик. Ҳамма муштарийлар зарур ёрдам берилганидан мамнун бўлдилар. Зеро, шу ерлик аҳолини Ўзбекистон жумҳурияти билан боғлаб турган воситалардан бири «Совет Ўзбекистони»дир. Ҳозир ана шу рўзномага обуна бўлаётганлар сони кўпайиб боряпти. Ишончимиз комилки, севимли газетамиз ўқувчилари ўтган йилдагидан кўпайса кўпаядики, асло кам бўлмайди.

Н. МАМАСАИДОВ,
Кўрғонтепа вилоятидаги Қубадиён район «Шараф» рўзномаси муҳаррири.

ЯНА 50 МУШТАРИЙ

Ульянов районидаги «Пахтакор» давлат хўжалигида «Совет Ўзбекистони» рўзномасига 160 нафар киши обуна бўлди. Хўжалик раҳбарияти ва касаба союз ташкилоти меҳнат илғорлари, шунингдек кам иш ҳақи оладиган 47 нафар кишини бепул обуна қилди.

— Бу йил «Совет Ўзбекистони» рўзномасига ўтган йилдагига нисбатан 30 нусха кўп обуна қилинди, — дейди хўжалик партия комитетининг котиби Бердиёр Азизов. —Ой охиригача яна 50 нафар киши шу рўзномага ёзилмоқчи.

М. КАРОМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон ССЖнинг Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Миллий, ирқий ва диний замирда куч ишлатганлик учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССЖнинг Жиноят кодексига қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилсин:

1. 80-модда қуйидаги мазмунда бўлган 9-банд билан тўлдирилсин:

«9) Миллатлараро ёки ирқий адоват, диний сарқитлар замирида, шунингдек оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этилганда», амал қилиб турган 9-банд 10-банд деб ҳисоблансин.

2. 85-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«85-модда. **Ўлдириш билан, оғир тан жароҳати етказиш ёки мол-мулкни нобуд қилиш билан дўқ-пўписа қилиш**

Ўлдириш билан, оғир тан жароҳати етказиш билан ёки ўт қўйиш ёхуд умуман хавфли бўлган бошқа усул орқали мол-мулкни нобуд қилиш билан дўқ-пўписа қилиш, агар бу дўқ-пўписани ижро этишидан хавфсираш учун етарли асослар бўлса, —

бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ёхуд уч юз сўмгача жарима солиш билан жазоланади».

3. 88-модданинг «В» банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«В) Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, азоб бериш ёхуд қийнаш усуллари орқали содир этилса, шунингдек миллий, ирқий адоват ёки душманлик, диний сарқитлар замирида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этилса, —

беш йилдан ўн икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

4. 94-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оммавий тартибсизликлар жараёнида ёхуд ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган номусга тегиш ёки номусга тегиш алоҳида оғир оқибатларга олиб келган, шунингдек вояга етмаганларнинг номусига тегиш, —

икки йилдан беш йил муддатгача сургун қилиб ёки сургун қилмай саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ёхуд ўлим жазоси билан жазоланади».

5. 133-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўша ҳаракатлар ўт қўйиш, портлатиш йўли билан ёки кўпчилик учун хавфли бўлган усуллар билан қилинса ёхуд бу ҳаракатлар одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, шунингдек миллатлараро адоват ёки диний сарқитлар замирида содир этилган бўлса, —

уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

6. 204-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ашаддий хулиганлик, яъни ўша ҳаракатлар ўз моҳиятига кўра ўтакетган беҳаёлик ёки жуда сурбетлик билан ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилса ёки жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса, шунингдек хулиганлик қилгани учун илгари ҳам судланган шахс томонидан содир этилса, —

бир йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

7. 210-модданинг биринчи ва иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўқ отар қуролларни (текис стволли ов милтиғидан ташқари), ўқ-дорилар ёки портловчи моддаларни, шунингдек қурол сифатида ишлатишга мўлжалланган ёки мослаштирилган ёқилғи ва тез ўт оладиган бошқа моддаларни олиб юриш, сақлаш, сотиб олиш, тайёрлаш ёки ясаш ёки сотиш, —

беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўқ отар қуролни, ўқ-дориларни ёки портловчи моддаларни, шунингдек қурол сифатида ишлатишга мўлжалланган ёки мослаштирилган ёқилғи ва тез ўт оладиган бошқа моддаларни, шунингдек тегишли рухсатномасиз ўзида сақлаётган совуқ қуролни ўз ихтиёри билан топширган тақдирда жиноий жавобгарликдан озод қилинади».

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри. 1990 йил 1 ноябрь.

СИЗ «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЎЗНОМАСИГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

*

ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗКИ: РЎЗНОМАМИЗГА ОБУНА ШУ ЙИЛНИНГ 1 ДЕКАБРИГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ. МУШТАРИЙЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАЯПМИЗ: ОБУНА ВАРАҚАСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛМОҚДАМИЗ.

*

Ф. СП—1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. | жойи

64583 (нашр кўрсаткичи)

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш | баҳоси | сўм | обуна сони

баҳоси | сўм

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

(Иккинчи бетга қаралсин).

ЯНГИЛАНГАН ИТТИФОҚИМИЗНИНГ ЯХЛИТЛИГИ УЧУН

КПСС Марказий Қўмитаси Котибиятининг мажлисидан

КПСС Марказий Қўмитаси Котибиятининг КПСС Марказий Қўмитаси Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко раислигида бўлган навбатдаги мажлисида янгиланган Иттифоқимизнинг яхлитлигини сақлаб қолиш, фуқаролар жамиятини тузиш, ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш ишида партиянинг йўлига тааллуқли бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Бугунги кунда бўлажак Иттифоқ муаммосидан кўра ўткирроқ ва долзарброқ мавзу бўлмаса керак. Янги Иттифоқ шартномаси теварагида жамоатчиликнинг эҳтирослари авжига чиқмоқда. Уни тезроқ тузишни бир қанча иттифоқдош жумҳуриятлар ва миллий-ҳудудий тузилмаларнинг олий ҳокимият идоралари ёқлаб чиқди. Нуқтаи назарлар ниҳоятда хилма-хил бўлишига қарамай, кўпчилик одамлар Иттифоқ Шартномасида миллатлараро муносабатлардаги кескинлик янада кучайиб кетишининг олдини олишни, демократик ўзгартишларни чуқурлаштириш учун зарур шарт-шароит яратишни имкони бўлган бирдан-бир йўл, деб билмоқдалар.

Бу ишда КПСС жуда фаол қатнашмоқда. Партия XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Дастурий баёнотида қатъиян ихтиёрийлик, ўзаро фойда, ўз миллий тақдирини эркин белгилашга асосланган мустақил давлатлар сифатида жумҳуриятлар Иттифоқи тўғрисидаги янги Шартномани ишлаб чиқиш вазифаси биринчи галдаги вазифалар қаторига қўйилган.

Бу ўринда сусткашлик қилиш ниҳоятда жиддий оқибатларга: марказдан қочма тамойилларнинг кучайишига, миллатлараро можароларнинг авж олишига, иқтисодиётнинг, ижтимоий турмушнинг таркибий қисмларга ажралиб кетишига олиб келиши мумкин. КПСС Марказий Қўмитасининг 1990 йил октябрь Пленумида воқеаларнинг бундай ривожи аниқ-равшан хавф туғдириши, сифат жиҳатидан янгиланган Иттифоқнинг иқтисодий асоси сифатида умумиттифоқ бозорини шакллантиришнинг ҳаётий муҳим зарурати мутлақо очиқ-ойдин айтилган эди.

Фавқулодда мураккаб ва масъулиятли бу дамларда мамлакатимизнинг барча фуқаролари Иттифоқни янгиланган Шартнома асосида қайта қуриш энг муҳим ҳаётий масала эканлигини тушунишлари зарур.

Мажлисда сўзга чиққан КПСС Марказий Қўмитасининг котиблари О. Д. Бакланов, А. Н. Гиренко, Б. В. Гидаспов, А. С. Дзасохов, В. А. Купцов, В. М. Фалин, О. С. Шенин, Г. И. Янаев, КПСС Марказий Қўмитаси Котибиятининг аъзолари В. А. Гайворонский, И. И. Мельников, Москва шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев, КПСС Марказий Қўмитаси Миллий сиёсат бўлимининг мудири В. А. Михайлов кўпмиллатли Совет давлатини янгилаш асосини ташкил этадиган қоидалар тўғрисида, жумҳуриятларга тўлиқ мустақиллик бериш ва Иттифоқ ҳамда жумҳурият идоралари вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш тўғрисида, барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришлари учун янги ҳужжатга киритилган зарур сиёсий ва ҳуқуқий омиллар тўғрисидаги ҳақиқатни одамларга тўла, бузмасдан етказиш зарурлиги хусусида гапирдилар.

Партия қўмиталари, бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг ушбу йўналишдаги ишларини жадаллаштиришлари керак. Миллатчилик руҳидаги шиорлар, ажралиб чиқишга даъватлар нималарга олиб келишини ишончли тарзда ва далиллар билан кўрсатиш лозим. Маҳдудлик, фақат ўз кучигагина умид қилиш ягона халқ хўжалиги мажмуини сўзсиз вайрон этади, иқтисодиётни издан чиқаради. Умумиттифоқ бозори асосларига путур етказади, иқтисодий тартибсизликни кучайтиради, аҳолининг турмуш даражасини пасайтиради. Одамлар жаҳон ҳамжамиятида Иттифоқимиз мавқеининг пасайиши, унинг бир неча давлатга бўлиниши халқаро муносабатлар барқарорлигига путур етказишини, янги сиёсий тафаккур туфайли жаҳонда бошланган ижобий ўзгаришларни хавф остида қолдиришини аниқ тасаввур этишлари керак.

Партия қўмиталарига КПСС XXVIII съезди делегатларини, барча даражадаги коммунист-депутатларни, маданият арбоблари ва олимларни, партия фаолларини янги Иттифоқ Шартномаси сўзсиз тузилишини қўллаб-қувватлаш борасидаги тушунтириш ишларига кенг жалб этиш тавсия қилинди. Янги Иттифоқ Шартномаси тузилиши фойдасига жамоатчилик фикрини шакллантириш ишида оммавий ахборот воситалари ва энг аввало партия матбуотининг имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда рўзномаларнинг саҳифаларида, телевидение ва радио орқали чиқиш учун обрўли арбобларни жалб этиш тавсия қилинган эди. Бундай арбобларнинг тутган амалий йўли одамларни кўпмиллатли давлатимизни сақлаб қолиш ҳаётий зарурлигига ишонтирган, унинг мустақил давлатлар Иттифоқи сифатидаги келажаги учун фаол курашга ундаган бўлур эди.

Мамлакат мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, унинг давлат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек мудофаа ишларини ҳамда ССЖИ Қуролли Кучларига раҳбарлик қилишни ташкил этиш жумҳуриятлар Иттифоқининг энг муҳим вазифалари қаторига киради. Қуролли можаролар хавфи ҳозирча мавжуд экан, мамлакатимизни пишиқ-пухта мудофаа қилиш керак бўлади. КПСС XXVIII съезди ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ҳозирги аҳволига ҳамда унинг ривожланиш истиқболларига атрофлича баҳо берар экан, ижобий ўзгаришлар муқаррарлигига ҳозирча кафолат яратилмаган экан, ССЖИ учун уруш хавфи сақланиб қолади, деб уқтирди. Бундай шароитда социалистик Ватанни ҳимоя қилиш, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ва хавфсизлигини пишиқ-пухта, оқилона даражада мустаҳкамлаш ҳамда сақлаш бутун халқнинг, партия ва давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Съезд партия ташкилотлари, барча коммунистлар зиммасига Совет Қуролли Кучлари обрўсини мустаҳкамлашга, ҳарбий хизмат нуфузини оширишга, ҳарбий хизматчиларнинг шани, қадр-қимматини, ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш вазифасини юклади.

Съезднинг бу кўрсатмалари қандай бажарилмоқда? Котибият мажлисида сўзга чиққан КПСС Марказий Қўмитаси партия ҳарбий сиёсати комиссиясининг аъзоси, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-полковник Н. И. Шляга мамлакатнинг бир қанча минтақаларида армияга қарши кайфиятлар мавжудлигидан мазкур комиссия ташвишланаётганини айтди. Жумладан, баъзи ерларда қўшилмалар, қисмлар ва кемалар ҳаёти учун чидаб бўлмас шарт-шароит юзага келяпти, умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги Иттифоқ Қонуни инкор этиляпти, ССЖИ Қуролли Кучлари шанига айтилаётган бўҳтонлар ва ғанимлик авжига чиқарилмоқда. Булар қўшинлар ва флот кучлари теварагидаги аҳволнинг кескинлашувига сабаб бўлмоқда, маҳаллий ҳарбий бошқарув идоралари ишига ҳалақит бермоқда, ҳарбий хизматчилар ва улар оилалари аъзоларининг қонуний ҳуқуқлари камситилишига олиб келмоқда.

Н. И. Шляганинг нутқида маҳаллий маъмурларнинг қарорлари оқибатида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари ҳарбий қисмлар жойлашган ерларда расмий рўйхатдан ўтиш имкониятидан ва айни вақтда меҳнат қилиш ҳуқуқидан, тиббий хизматдан, кундалик эҳтиёж моллари билан таъминланиш, фарзандларини ўқитиш, уларни мактабгача болалар муассасаларига жойлаштириш имкониятларидан маҳрум бўлаётганликлари хусусида кўпдан-кўп мисоллар келтирилди. Н. И. Шляга мамлакатимизнинг бир қанча минтақаларида, энг аввало Болтиқбўйи, Кавказорти жумҳуриятларида, Молдовада, Украинанинг ғарбий вилоятларида ҳарбий хизматга кузги чақириқ бошланиши билан ёш авлодни қўшинлар ҳамда флотга жўнатишни барбод қилишга қаратилган армияга қарши ишлар жуда кучайтириб юборилиши «ғайриқонунийдир» деб тарғиб қилинмоқда.

КПСС Марказий Қўмитаси ҳарбий сиёсат комиссиясининг фикрига қараганда, армияга қарши кайфиятларнинг янада авж олдирилиши билан боғлиқ тамойиллар давлат идораларининг ҳам, КПСС Марказий Қўмитасининг ҳам, шунингдек маҳаллий партия қўмиталарининг ҳам шошилинч чоралар кўришларини талаб этади. КПСС Марказий Қўмитасининг мазкур масалани муҳокама қилишда қатнашган котиблари комиссиянинг таклифларини қўллаб-қувватладилар. Вазият ҳам партиявий, ҳам давлат даражасида шошилинч ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидлаш этаётганлиги фикрлашув чоғида эътироф қилинди.

Барча даражалардаги партия қўмиталарига КПСС XXVIII съездининг партия ҳарбий сиёсати масалаларига доир қарорлари қандай бажарилаётганини таҳлил этиш, ССЖИ Қуролли Кучларига нисбатан салбий ҳолатларга қатъий баҳо бериш, шунингдек ҳарбий хизмат обрўсини мустаҳкамлаш, нуфузини оширишга, ҳарбий хизматчиларнинг шани, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни белгилаш тавсия қилинди. Бузғунчи кучларга дадилроқ зарба бериш, маҳаллий партия идораларининг партия ҳарбий сиёсатини тушунтиришга йўналтирилган фаолиятига ҳужумкорлик бахш этиш зарур, деб топилди. Бу ишга халқ депутатлари бўлган коммунистларни, партия ва қуролли кучларнинг ветеранларини, партия ва мафкуравий иш фаолларини жалб этиш муҳимдир. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни яхшилаш, йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш юзасидан партиявий чора-тадбирларни ғайрат билан амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Кейинги вақтда Ғарбий Европа мамлакатларидаги айрим сиёсий партияларнинг, энг аввало, социалистик ва социал-демократик партияларнинг минтақа ташкилотлари КПСС маҳаллий ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатишга ва уни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шарқий Европа мамлакатларидаги янгиланган партиялар ҳудудий ташкилотларининг янги раҳбарияти ҳам ССЖИдаги анъанавий шериклари билан 1989 йилда узилиб қолган алоқаларни тиклашга қизиқиш билдирмоқдалар. КПСС маҳаллий ташкилотларининг халқаро алоқалари узоқ тарихга эга. Бироқ ушбу муносабатларнинг янги сиёсий тафаккур руҳида ривожланиши, мамлакатимизда сиёсий устқурманинг тубдан қайта ташкил этилиши, КПССнинг янги мавқеи ва вазифалари маҳаллий партиявий алоқаларни йўлга қўйишда ва уларнинг мазмунида катта ўзгартишлар қилинишини талаб этади, деб таъкидланди Марказий Қўмита котибларининг нутқларида.

Мазкур масалани муҳокама қилган КПСС Марказий Қўмитасининг котибияти XXVIII съезднинг партия ташкилотлари ўзини ўзи бошқарувини, иттифоқдош жумҳуриятларнинг КПСС таркибидаги Компартиялари мустақиллигини кенгайтириш борасидаги кўрсатмаларига мувофиқ, ҳамкорликни режалаштириш ва ташкил этиш вазифасини жойларнинг ўзига беришга қарор қилди. Энди маҳаллий партия қўмиталарига КПСС расмий алоқа боғлаган сиёсий партияларнинг ҳудудий ташкилотларидан шериклар танлашда ҳам, улар билан ҳамжиҳатликнинг шакл ва усулларини аниқлаб олишда ҳам катта ҳуқуқлар берилади.

Нафақат коммунистик, айни вақтда социалистик, социал-демократик, либерал ҳамда бошқа партиялар ва демократик йўналишдаги ижтимоий ҳаракатларнинг маҳаллий ташкилотлари билан ҳамкорлик КПСС қўмиталаридан тадбиркорликни, ўз шериклари фаолияти мазмунини янада чуқурроқ ўрганишларини, парламентчилик, фуқаролар жамияти шароитида олиб борилаётган партиявий-сиёсий ишларнинг шакли ва мазмунига пухта тайёргарлик кўриш ҳамда улар билан танишишни талаб этади. Москва шаҳар қўмитаси, Волгоград, Гродно, Иркутск, Ленинград, Рязань, Харьков ва бошқа бир қанча вилоят қўмиталари хорижий шериклар билан шу тарзда фойдали ҳамкорлик қилишда намуна кўрсатдилар. Бироқ деб таъкидланди котибият мажлисида, кўпгина ҳолларда хорижий шериклар билан партиявий алоқаларга маҳаллий хўжалик ишлари нуқтаи назаридан ёки саёҳатчилик нуқтаи назаридан қарамоқдалар.

Партия ишлари амалиётида хорижий тажрибани янада кенгроқ ёйиш ва ундан фойдаланиш мақсадида КПСС Марказий Қўмитасининг бўлимларига маҳаллий партия қўмиталарининг халқаро алоқалари мазмунини муттасил таҳлил этиб туриш, уларнинг тажрибасини мунтазам равишда умумлаштириш, КПСС қўмиталарига хорижий сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ҳудудий ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни ривожлантиришда кўмаклашиш вазифаси топширилди. Марказий ва маҳаллий партиявий рўзномалар ҳамда ойномаларнинг таҳририятларига ҳамкорликнинг мазмуни, унинг натижаларига асосий эътиборни қаратган ҳолда КПССнинг маҳаллий алоқаларини ривожлантириш муаммоларини кенгроқ ёритиш таклиф этилди.

Мажлисда КПСС Марказий Қўмитаси котибиятининг шу йил охиригача бўлган иш режалари кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

(«Правда» — ТАСС).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Устави лойиҳаси ҳақида

ТАКЛИФЛАР, ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Ўзбекистон Компартияси Устави лойиҳаси жумҳурият коммунистлари муҳокамасига қўйилганидан бери орадан бир ҳафта вақт ўтди. Рўзнома муҳарририятига муштарийлардан Устав ҳақида фикр ва мулоҳазалар, таклифлар билдирилган дастлабки хатлар кела бошлади. Қуйида ана шу хатлар эътиборингизга ҳавола қилинади.

ОБРЎ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Устави лойиҳасини синчиклаб ўқиб чиқдим. Аввало жумҳурият Компартияси ўз Уставига эга бўлаётгани қувончли воқеа. Зеро, бу — Ўзбекистон иқтисодий мустақиллик қатори сиёсий мустақилликка эришаётганлигининг ёрқин кўриниши ҳамдир. Шу жиҳатдан жумҳурият Компартияси ўзининг дастурий ҳужжатлари ва Устави асосида сиёсий мафкуравий, ташкилий, кадрлар, ноширлик, молия-хўжалик ва бошқа масалаларни мустақил равишда ҳал қилиш, бошқа жумҳуриятлар Компартиялари билан ғоявий муштараклик, тенг ҳуқуқлилик, амалий ҳамкорлик, партиявий ўртоқлик ва биродарлик асосида муносабат ўрнатиш, чет эл партиялари ва ижтимоий ҳаракатлар билан алоқа боғлаш йўлидаги фаолияти равнақ топишини фақат олқишлаш лозим.

Мен Устав лойиҳасини қўллаб-қувватлаш билан бирга шу ерда баъзи таклифларимни ҳам айтмоқчиман:

Лойиҳанинг «Ўзбекистон Коммунистик партияси аъзолари» деб номланган қисми 10-бандида шундай жумла бор: «Партияга кирувчи учун бошланғич партия ташкилотининг таклифига бинoан бир йилгача синов муддати, шунингдек, партия аъзоларидан икки кишининг кафиллиги белгилаб қўйилиши мумкин». Бу ерда кафиллик берадиган коммунистларнинг партиявий стажи аниқ кўрсатилмаган. Партия аъзоси йиллар ўтиши билан тажриба орттириб боради, ўз жамоасида ишлаётган кишиларга ҳар жиҳатдан баҳо бера олади. Шундай экан, партияга кираётган шахсга фақат бир неча йиллик стажга эга бўлган коммунистгина кафиллик бериши мумкин. Мен шуни эътиборга олиб, юқоридаги жумланинг **«партия аъзоларидан»** сўзларидан кейин **«камида уч йиллик партия стажига эга бўлган»** жумласини киритишни таклиф қиламан.

Шу бандда партиядан ўчирилган ва ундан ихтиёрий равишда чиққан шахсларнинг партияга яна умумий асосларда қабул қилиниши мумкинлиги қайд этилган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳеч бир киши партиядан ҳеч қачон оддий нуқсони ёки камчиликка йўл қўйгани учун чиқарилмайди. Тарбиялаш мумкин бўлмаган ва тузалишига коммунистларнинг кўзи етмагачгина бундай шахс партиядан ўчирилади. **Партия сафидан чиқариш энг сўнгги чора ва коммунист учун энг оғир жазо ҳисобланади. Шундай экан, партиядан ўчирилган кишини яна қайта сафга қабул қилиш мантиққа тўғри келадими? Йўқ, албатта.** Мен коммунист сифатида бундай ҳолга асло йўл қўйиб бўлмайди, дейман. Партиядан чиқарилганлар иши билан партия комитетлари назорат комиссиялари шуғулланиб, уларнинг айби нечоғли оғир ёки енгил эканлигини аниқлагандан кейингина, партия ташкилотларига партияга тиклаш ҳақидаги фикрларини беришлари, шундан кейин бу масала коммунистларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, шахс тақдири ҳал этилиши мумкин.

Шунингдек, партиядан ихтиёрий равишда чиққан шахсларни ҳам умумий асосларда бўлсада, яна сафга қабул қилиш масаласи ҳам шу бандда кўрсатилган. Хўш, жазо тариқасида партиядан ўчирилган ёки ўз ихтиёри билан партиядан чиққан шахсларни ўз сафимизга қайта қабул қиладиган бўлсак, партиянинг обрўси қоладими? Мен шу ўринда биринчи навбатда партиянинг обрўсини ўйлашни, унинг сафларига партия ишини ўзи учун бир умрлик муқаддас иш деб билган кишиларгина қабул қилинишини таклиф этаман.

Х. ЕВСЕЕВ,
Қўнғирот районидаги «Ўст-юрт» давлат хўжалиги чўпони.

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ САЙЛОВ

Ўзбекистон Компартияси ўз Уставига эга бўлаётгани айни муддао. Мен оддий коммунистман, бироқ бошланғич партия ташкилоти фаолиятида яқиндан қатнашяпман. Шу сабабли партиянинг ўзимга яқин бўлган бўғини тўғрисида фикр юритмоқчиман. Устав лойиҳасида бошланғич ташкилотлар партиянинг негизи деб айтилган. Шундай экан **район, шаҳар, вилоят партия конференцияларига, шунингдек, жумҳурият Компартияси съездига делегатлар тўғридан-тўғри бошланғич ташкилотларда муқобиллик асосида сайланиши лозим деб биламан.** Ана шу фикрим Ўзбекистон Компартияси Уставида ўз аксини топса, маъқул бўларди.

Ш. ОМОНОВ,
Қумқўрғон районидаги «Пахтакор» давлат хўжалиги механизатори.

ОЗЧИЛИК ВА КЎПЧИЛИК ҲАҚИДА

Ҳар бир янгилик, ташаббус, дадил ҳаракат якка шахсдан ёки озчиликдан чиқишини ҳаёт тасдиқламоқда. Аммо баъзан якка шахсдан чиққан таклиф ташкилот раҳбарияти дидига тўғри келмаса ёки унинг шахсий манфаатига зид бўлса, кўпчилик овоз билан бу таклифни йўққа чиқариш каби мисоллар турмушда учраб туради. Мен партияда озчиликка нисбатан муносабатни ўзгартириш керак, деб биламан. Чунки озчиликка нисбатан демократик муносабатлар устун қўйилмаса, унинг овози кўпчилик овоз билан бўғиб қўйилса, у ҳолда партия ўзига хос фикрлайдиган шахслардан маҳрум бўлади, ташаббускорлик сўнади, ҳамма нарсага бефарқ қараш кучаяди. Бу эса охироқибатда турғунлик йиллари воқеликларининг қайтарилишига олиб келиши мумкин.

А. ЭШБОЕВ,
Деҳқонобод районидаги «СССР 50 йиллиги» давлат хўжалиги ишчиси.



ҚҚМССЖ. Беруний районидаги «Ленинизм» колхозида бу йил консерва цехи ишга туширилди. Бу ерда шу кунга қадар 50 минг шартли банка тузланган помидор, томат ва мураббо тайёрланди. Мавсум охиригача яна 40 минг банка шундай маҳсулотлар тайёрланади.

СУРАТДА: цех ишчиси Гулбаҳор Ҳасанова ўзи тайёрлаган маҳсулот билан.

Р. УТАМУРОДОВ олган сурат.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели албатта бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби; исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ—Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

«Совет Ўзбекистони»

рўзномасининг

обуна баҳоси:

бир йилга—

17 сўм 40 тийин,

ярим йилга—

8 сўм 70 тийин,

уч ойга—

4 сўм 35 тийин.

Биринчи бетга қаралсин.

• *ЖАВОБИНГИЗНИ ТУШУНТИРИБ БЕРИНГ*

ЁРДАМИНГИЗГА МУҲТОЖМАН

Рўзномамизга келаётган хатларнинг бирида боқувчисидан ажралган икки ёш гўдакнинг онаси Хуршида Абдазова қуйидагиларни баён этади:

— Ҳурматли таҳририят ходимлари! Сизларга мактуб йўллашимнинг боиси қуйидагича: Бувим ва бувам Акмал Икромов ноҳиясидаги Атоий номли кўчада жойлашган 24-уйнинг бир хонали 50-квартирасида яшашарди. Мен уларнинг саломатликлари ёмонлашганлиги туфайли уларга қараб турардим. Қариялар вафотидан кейин икки болам билан шу ерда яшай бошладим.

Уй-жойдан фойдаланиш бошқармасидаги ўртоқлар яшаб турган хонадонимга расмий рўйхатдан ўтишга ёрдам бериш ўрнига кўчиб кетишимни талаб қилишяпти.

Сентябрь ойининг бошларида келган бу хатни рўзнома халқ депутатлари Акмал Икромов ноҳия Кенгаши ижроия қўмитасига юборди. Яқинда у ердан ижроия қўмита раиси муовини Б. Раҳмонов имзоси билан жавоб хати олинди.

Биз ижроия қўмита масалага жиддий аралашиб, уни ижобий ҳал этишга кўмаклашади, ёлғиз, икки ёш болали аёлни ўз уйига эга бўлишини қонуний таъминлайди, деб ўйлаган эдик. Бироқ жавобда Х. Абдазова хатида айтилган фикрлар таъкидланиб, район прокурори томонидан иш (?) тўхтатилганлиги ҳақида маълумот берилган холос.

Ҳурматли муштарийлар! Сўзимизнинг исботи сифатида олинган жавобнинг ўзбекча таржимасини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик. Мана, ўқиб кўринг:

Акмал Икромов ноҳия Кенгаши ижроия қўмитаси гражданка Х. Абдазованинг Атоий кўчасидаги 24-уйнинг 50-квартирасини расмийлаштириб бериш ҳақидаги аризасини кўриб чиқди.

Аризачи майдони 16,7 квадрат метр бўлган бир хонали квартирада яшайди. Бувиси вафот этгандан сўнг 56-уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси уни кўчириш учун ҳужжат тайёрлаган. Ҳозирги пайтда район прокурори томонидан иш тўхтатилган.

Таҳририят бу жавобдан Х. Абдазованинг талаби қондирилдими ёки йўқми тушунмади. Балки ўзи ўртоқ Б. Раҳмонов очиқ-ойдин қилиб тушунтириб берар?

К. РИХСИЕВ.

ССЖИ Президенти Москвага қайтиб келди

ССЖИ Президенти М. С. Горбачев 10 ноябрь куни Бонндан Москвага қайтиб келди. У федерал канцлер Г. Колнинг таклифига биноан Германия Федератив Жумҳуриятига ташриф буюрган эди.

Аэропортда М. С. Горбачевни ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Қўмитаси Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко, ССЖИ Президент Кенгашининг аъзолари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

Кремлда учрашув

11 ноябрь куни ССЖИ Президенти М. С. Горбачев билан РСФСЖ Олий Кенгашининг Раиси Б. Н. Ельциннинг учрашуви бўлди. Янги Иттифоқ Шартномасини тайёрлаш, мамлакатни бозор иқтисодиётига ўтказиш масалалари, кундалик муаммолар муҳокама қилинди.

Сўнгра суҳбат Н. И. Рижков, И. С. Силаев, Р. И. Хасбулатов ўртоқларнинг иштирокида давом эттирилди.

(ТАСС).

Иттифоқ-жумҳурият валюта қўмитасининг мажлиси тўғрисида

11 ноябрь куни Москвада Н. И. Рижков раислигида ССЖИ Президентининг шу йил 2 ноябрь Фармони билан таъсис этилган Иттифоқ-жумҳурият валюта қўмитасининг биринчи мажлиси бўлди.

ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Раиси мажлисда сўзлаган нутқида қўмита олдида турган вазифаларни таърифлаб берди ва мамлакатда янги Иттифоқ Шартномасини тузиш учун кўрилаётган тайёргарлик, шунингдек, халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш соҳасида барча жумҳуриятлар сарфлаётган куч-ғайратлар шароитида қўмитанинг амалий ишини ташкил этиш хусусида бир қанча мулоҳазалар айтди.

ССЖИ Вазирлар Кенгаши Давлат ташқи иқтисодий комиссиясининг раиси С. А. Ситарян жумҳурият ва халқ хўжалиги комплексларининг 1991 йилда чет эллардан сотиб олинадиган ресурсларга бўлган биринчи галдаги эҳтиёжларини қондиришга оид таклифлар ҳақида маълумот берди.

Мажлис қатнашчилари чет элларга мол чиқаришни кенгайтириш ҳамда барча совет корхоналари ва ташкилотлари чет эллик мижозлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида сўзсиз бажаришларини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигини таъкидладилар.

Қўмита мажлисига киритилган масалалар амалий руҳда муҳокама қилинди. Мажлис қўмитанинг мамлакат валюта-молия муаммоларини изчиллик билан ҳал этиш соҳасида бундан буёнги ишлари хусусидаги аҳдномаларни қабул этиш билан якунланди.

(ТАСС).

НОТАРИУСЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Тошкентда минтақа семинар-кенгаши бўлиб ўтди, унда Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон нотариал ходимлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлиги уюштирган семинарнинг қатнашчилари бозор муносабатларини жорий этиш шароитида нотариатнинг вазифаларини муҳокама қилдилар. Ҳужжатларни расмийлаштиришнинг кооперативларни, акционерлик жамиятларини, кичик корхоналарни рўйхатга олишнинг амалий масалаларига алоҳида эътибор берилди. Бу соҳадаги иш тажрибаси баҳам кўрилди.

Семинар-кенгаш ишида ССЖИ Адлия вазирлигининг мутахассислари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИНИНГ ҚОНУНИ

Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Милиция ходими қонуний талабини бажармаслик, шунингдек, уни ҳақоратлаш, унга қаршилик кўрсатиш, дўқ-пўписа қилиш, зўрлик ишлатиш ва унинг ҳаётига тажовуз қилиш, шунингдек милиция ходимининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришига тўсиқлик қилувчи бошқа хатти-ҳаракатларни қилиш Ўзбекистон ССЖ қонунларида белгиланган жавобгарликка олиб келади.

2. Милиция ходимининг кўрсатмалари фуқароларнинг, у ҳуқуқбузар, жабрланувчи ёки гувоҳ бўлишидан қатъи назар, кўрсатмалари билан тенг равишда далилий аҳамиятга эгадир.

Зарур мудофаа, ўта зарурат бўлган ҳолатда ёки касбига кўра ўринли тавакkалчилик қилиш ҳолатида милиция ходими томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар гарчанд Ўзбекистон ССЖ Жиноят кодексида кўзда тутилган жиноий-ҳаракатлар кўринишида бўлса ҳам, жиноят деб ҳисобланмайди.

3. Милиция ходими турар жой майдони тақсимлашда, уйга телефон ўрнатишда, мактабгача болалар тарбия муассасаларидан ўрин беришда имтиёзлардан, навбатсиз транспортнинг барча турларига билет сотиб олиш, меҳмонхонага жойлашиш ҳуқуқидан фойдаланади, шунингдек ижтимоий-маиший таъминотнинг бошқа масалаларини ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорларида кўзда тутилган тартибда имтиёзлардан фойдаланади. Милиция ходимининг ҳаёти тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан давлат ижтимоий суғуртасидан албатта ўтказилиши керак.

Милиция ходими ўз хизмат вазифасини ёки ижтимоий бурчини бажараётганлиги муносабати билан унинг мулкига етказилган зарар тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан тўла ҳажмда тўланади, сўнгра суд орқали бу зарар айбдордан ундириб олинади.

4. Милиция ходими тартибни сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганида қасддан ўлдирганда унинг оиласига тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан унинг 50 ойлик даромади миқдорида бир йўла нафақа бериб, сўнгра бу пул айбдордан ундириб олиниши белгилаб қўйилсин. Ўз боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан ҳалок бўлганнинг оиласига қонунда кўрсатилганига мувофиқ пенсия белгилансин.

Милиция ходимига у ўзининг профессионал фаолияти билан шуғулланолмайдиган даражада оғир тан жароҳатлари етказилганда тегишли бюджет маблағларидан 25 ойлик даромади миқдорида пул тўланиб, сўнгра бу пул айбдордан ундириб олиниши, шунингдек, унинг мансаб оқлади билан пенсияси ўртасидаги фарқ тўланиши белгилаб қўйилсин.

Енгилроқ тан жароҳатлари етказилганда тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан 5 ойлик даромади миқдорида пул тўланиб, сўнгра бу пул айбдордан ундириб олиниши белгилансин.

II. Ўзбекистон ССЖнинг 1985 йил 13 декабрдаги қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССЖнинг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига (ЎзССЖ Олий Советининг ведомостлари, 1985 йил № 35, 411-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1). 187-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«187-модда. **Милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик.**

Милиция ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш тўғрисидаги, милицияга бориш, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик, ёхуд милиция ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш бўйича ўз вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик, —

фуқароларга эллик сўмдан икки юз сўмгача миқдорда жарима солинишига олиб келади.

Худди шу хатти-ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланган, бир йил давомида такрор содир этилса, —

фуқароларга ва мансабдор шахсларга беш юз сўмгача миқдорда жарима солинишига ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий ҳибсга олишга олиб келади».

2). Кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 187—1, 187—2, 187—3, 187—4-моддалар билан тўлдирилсин.

«187—1-модда. **Милиция ходимини ҳақоратлаш**

милиция ходими, терговчи, суриштирув ишларини амалга ошираётган шахсни, ёки жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш юзасидан ўз вазифаларини адо этаётган бошқа шахсларни ҳатти-ҳаракат билан, оғзаки ёки ёзма тарзда ҳақоратлаш ёхуд уларнинг шани ва қадр-қимматини камситувчи бошқа ҳаракатларни атайин содир этиш, —

уч юз сўмдан беш юз сўмгача миқдорда жарима солинишига ёхуд иш ҳақининг йигирма фоизини ушлаб қолган ҳолда икки ой муддатгача ахлоқ тузатиш ишларига жалб этишга олиб келади.

187—2-модда. **Милиция ходимининг хизмат бурчини адо этишига қаршилик кўрсатиш**

милиция ходимлари ўз хизмат вазифалари ёки хизмат бурчларини адо этаётганларида уларнинг қонуний фармойишларини ёки талабларини бажармасликка исталган кўринишда ошкора даъват қилиш, шунингдек, милиция ходимларига оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида бўҳтон-уйдирмаларни тарқатиш, —

уч юз сўмдан минг сўмгача миқдорда жарима солинишига ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий ҳибсга олишга олиб келади.

187—3-модда. **Милицияга нисбатан ҳурматсизлик**

милицияга кўрсатилган вақтда узрли сабабсиз келмаслик, милиция ходимини атайин ёлғон хабар билан чақириш, унинг хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган қонуний топшириғини бажармаслик ёки ўз вақтида бажармаслик шаклида милицияга ҳурматсизлик қилиш, —

уч юз сўмгача миқдорда жарима солинишига олиб келади.

187—4-модда. **Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма таклифларини бажариш чора-тадбирларини кўрмаслик**

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳуқуқбузарлик содир этишга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма таклифларини бажариш чора-тадбирларини кўрмаслиги, —

беш юз сўмгача миқдорда жарима солинишига олиб келади;

3). 187—1, 187—2, 187—3, 187—4-моддаларда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар халқ судьяси томонидан ёлғиз ўзи, материал тушган кундан бошлаб уч кун давомида кўриб чиқилиши белгилаб қўйилсин.

4). Кодекснинг 232-моддаси «187» рақамидан сўнг «187—1, 187—2, 187—3, 187—4» рақамлари билан тўлдирилсин;

5). 273-модданинг учинчи қисмидаги «Майда безорилик қилган, жамоат тартибига ва фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаган ва тарқатган, шунингдек худди шу мақсадларда миш-мишлар ва уйдирмаларни тарқатган, йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар уюштириш ҳамда ўтказиш тартибини бузган, моллар ёки бошқа буюмларни қонунсиз сотган ёхуд майда спекуляция қилган шахслар» деган сўзлар «170, 171, 177, 177—1, 187, 187—1, 187—2, 187—3, 187—4, 188—1-моддаларда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

III. Ўзбекистон ССРнинг 1959 йил 21 майдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССЖ Жиноят кодексига (ЎзССЖ Олий Советининг ведомостлари, 1959 йил, № 6, 2-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1) 192—1, 193—1, 194—1-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«192—1-модда. **Милиция ходимига қаршилик кўрсатиш**

Милиция ходими ёки бошқа шахслар жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганларида уларга қаршилик кўрсатиш, —

икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки икки минг сўмгача миқдорда жарима солиш билан жазоланадилар.

Зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш хавфини солиб қилинган худди шу ҳаракатлар, шунингдек, бу шахсларнинг хизмат вазифасини ёки ижтимоий бурчини бажаришдан бош тортишга ёки очиқ-ойдин ғайри-қонуний хатти-ҳаракатлар қилишга исталган шаклда мажбур қилиши, —

икки йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

193—1-модда. **Милиция ходимини ҳақоратлаш**

милиция ходимини, терговчини, суриштирув ишларини олиб бораётган шахсни, ёки жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш соҳасидаги вазифаларини бажараётган бошқа шахсларни оғзаки ёки ёзма тарзда ҳақорат қилиш, ёхуд уларнинг шани ва қадр-қимматини камситувчи бошқа хатти-ҳаракатларни содир этиш, худди шу ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик қўллангач бир йил давомида такрор содир қилинган бўлса,

бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ёки минг сўмгача миқдорида жарима солиш билан жазоланади.

194—1-модда. **Милиция ходимининг ҳаётига тажовуз қилиш**

милиция ходими, суриштирув ишларини олиб бораётган шахс, терговчи ҳаётига, шунингдек жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш вазифаси ёки ижтимоий бурчини бажараётган бошқа шахслар ҳаётига тажовуз қилиш, —

беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Худди шу ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёхуд қурол ва бошқа предметларни қўллаш орқали содир этилса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади»;

2) Кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 194—2, 194—3, 194—4, 194—5, 194—6-моддалар билан тўлдирилсин:

«194—2-модда. **Милиция ходимига тан жароҳатлари етказиш**

милиция ходимига ёки бошқа шахсларга улар ўз хизмат вазифасини ёки ижтимоий бурчини адо этаётганда қасддан енгил тан жароҳатлари етказиш, уни дўппослаш, шунингдек жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилаётган бошқа шахсларга нисбатан шундай хатти-ҳаракатларни содир этиш, —

икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки икки минг сўмгача миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

милиция ходимига у ўз хизмат вазифасини ёки хизмат бурчини адо этаётганда оғирроқ ва оғир тан жароҳати етказиш, шунингдек, жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилаётган бошқа шахсларга нисбатан шундай ҳаракатларни содир этиш, —

уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

194—3-модда. **Милиция ходимини қўрқитиш**

милиция ходими ўз хизмат вазифасини ёки ижтимоий бурчини бажараётганда уни ўлдириш, тан жароҳатлари етказиш, мол-мулкини йўқ қилиш билан қўрқитиш ёки бошқа ғайри-қонуний хатти-ҳаракатлар содир этиш билан қўрқитиш, —

икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки икки минг сўмгача миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил, 31 октябрь.

194—4-модда. **Милиция ходимини атайлаб ўлдириш**

милиция ходими ўз хизмат вазифаси ёки ижтимоий бурчини бажараётганда уни атайлаб ўлдириш, —

ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади.

194—5-модда. **Милиция ходимининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш**

милиция ходими, суриштирув ишларини амалга ошираётгани ёки дастлабки тергов олиб бораётган шахснинг фаолиятига уларнинг ўз хизмат вазифаларини ўз вақтида, тўлиқ бажаришларига тўсқинлик қилиш мақсадида қонунга хилоф равишда аралашиш, —

икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки ҳудди шу муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ёхуд уч юз сўмдан минг сўмгача миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

194—6-модда. **Милиция ходимининг мол-мулкига қасддан шикаст етказиш ёки уни йўқ қилиш**

жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш вазифаларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида милиция ходимининг мол-мулкига қасддан шикаст етказиш ёки уни йўқ қилиш, —

уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ўт қўйиш, ёки бошқа кўпчилик учун хавфли усул билан содир этилган ёки одамларнинг нобуд бўлишига ёхуд ўзга оғир оқибатларга олиб келган бундай ҳаракатлар, —

саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

3). 7—1-модданинг иккинчи қисмидаги «Милиция ходими ёки халқ дружиначисининг ҳаётига тажовуз қилиш (194—1-модда)» сўзлари «Милиция ходимининг ҳаётига тажовуз қилиш (194—1-модда); милиция ходимини атайлаб ўлдириш (194—4)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23—1-модданинг биринчи қисми биринчи ва иккинчи бандларидаги «Жамоат тартибини сақлаш бўйича хизмат ёки жамоат фаолиятини бажараётганда милиция ходими ёки халқ дружиначиси ҳаётига тажовуз қилиш (194—1-модда)» деган сўзлар «Милиция ходимининг ҳаётига тажовуз қилиш (194—1-модда)», «Милиция ходимини атайлаб ўлдириш (194—4-модда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

IV. Ўзбекистон ССЖнинг 1959 йил 28 майдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССЖнинг Жиноят-процессуал кодекси (ЎзССЖ Олий Советининг ведомостлари, №6, 3-модда) 108-моддасининг учинчи қисмидаги «192—194—1» рақамлари «192—194—6» рақамлари билан алмаштирилсин.



Тошкентдаги Санъат саройидан репортаж

ТИББИЁТИМИЗГА ҚАНДАЙ ТАШҲИС ҚЎЯМИЗ?

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Санъат саройининг муҳташам кошонасига тўпланган жумҳуриятимиз шифокорларининг энг муносиб вакиллари соғлиқни сақлаш борасида амалга оширилган ишлар ва режалар ҳақида фикрлашуви қизғин. Ўрта Осиё тиббиётининг шаклланиши бевосита Абу Али ибн Сино номи билан боғлиқ. Алломанинг ҳизмати шундаки, у илмий тиббиётни яратибгина қолмади, балки янада кенгайтирди ва чуқурлаштирди. Шунинг учун ҳам тиббиётимиз қадим-қадимдан жаҳон фанида муносиб ўринни эгаллаб келди. Улуғ аллома-лар Розий, Журжоний, Юсуф Табибий, Шарофиддин ибн Айлокий, Нажмиддин Самарқандий, Маҳмур ибн Умар Чағминий ва бошқаларнинг асарларида ҳам Шарқ тиббиётининг бой анъаналари акс этган. Атоқли ўзбек шоири Фурқат, жамоат арбоби Аҳмад Дониш ҳам шифокорлик касби билан шуғулланганлиги маълум.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий соҳа эҳтиёжларига эътиборнинг сусайганлиги, унинг тараққиёти учун зарурий омилларни тақсимлашдаги қолдиқ принциплар шунга олиб келдики, соғлиқни сақлашга ажратиладиган миллий даромад улуши жуда камайиб кетди. Бу кўрсаткич бугунги кунда атиги 2,5-3 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон шифокорларининг I қурултойини жумҳурият Фанлар академиясининг академиги, Ленин мукофоти лауреати Ё. Тўрақулов очди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовнинг қурултой қатнашчиларига табригини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби, жумҳурият Фанлар академиясининг академиги Ж. Ҳамидов ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг жумҳурият соғлиқни сақлаш вазири С. Баҳромов «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва унинг истиқболлари» мавзуида маъруза қилди.

Қурултойда ижтимоий соҳадаги мавжуд турли етишмовчиликларга қарамай соғлиқни сақлашда муайян ютуқлар қўлга киритилганлиги таъкидланди. Ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўп. «Ҳамма нарса инсон учун, унинг фаровонлиги учун» шиорининг шиорлигича қолиб кетганлиги, у амалий ишлар билан мустаҳкамланмаганлиги боиси шундадир.

Миллий даромаднинг тиббиётимизга ажратиладиган қисми атиги бир-икки фоизга ўсди, холос. Бу ССЖИ миқёсидаги ажратмадан анча кам. Жумҳуриятимиз бу соҳада қўшни — Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистон жумҳуриятларидан ҳам ортда қолмоқда.

Жумҳуриятимизда ҳар йили 6 миллион нафар сурункали хасталанган бемор, 750 минг заҳарланиш ва шикастланиш, яна шунча миқдорда юқумли касаллик билан хасталаниш рўйхатга олинаётганлиги рўй-рост айтиб ўтилди. Афсуски, жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги ташкилотлари томонидан аҳолининг муайян қисмига муҳофазалаш ва даволаш учун зарур шарт-шароит яратиш йўлида қилинаётган ишлар кўлами ҳали кам.

Қурултойда жумҳуриятимиз соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш шароити борасидаги кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратилди. Ноҳия марказий шифохоналарининг 80 фоизи мослаштирилган биноларда жойлашган. Қишлоқ шифохоналарининг 75 фоизида иситиш қурилмалари, канализация йўқ. Тиббий-доялик пунктларининг деярли 90 фоизи ноқулай маиший шароитларда ишламоқда.

Айни вақтда соғлиқни сақлаш бинолари капитал қурилишларидаги аҳвол ҳам чуқур таҳлил этилди. Ўтган йили ана шу мақсадга ажратилаётган маблағнинг 39,4 миллион сўми, шу йилнинг 9 ойида эса 27,4 миллион сўм ўзлаштирилмай қолди.

ҚУРУЛТОЙДАГИ нутқларда жумҳуриятимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг саломатлигини ва моддий таъминоти борасида ҳал этилмаган қатор масалаларни биринчи навбатда ҳал этиш зарурлиги олға сурилди.

Бу масалаларнинг аҳамияти ва кечиктириб бўлмаслиги англаган жумҳурият ҳукумати ўтган йили қатор тадбирларни белгилади. Чунончи, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланганлик, кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатиш, халқ таълими, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш ҳамда аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш юзасидан чоралар кўрилди. Жумҳуриятимиз Президентининг Фармонига биноан кўп болали оналарга бериладиган нафақа ҳажми икки баробар ортди. Бу — 327 минг оиланинг бюджетига 76 миллион сўм қўшилди, демакдир. Яъни ҳар бир кўп болали оиланинг йиллик маблағи ўртача 204 сўмга кўпайди.

Жумҳуриятимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг режасида ҳам кўпгина тадбирлар кўзда тутилган. Кундузги стационарлар, санаторийлар, болалар шифохоналари, туғруқхоналар ва бўлимларда беморларга бериладиган озиқ-овқат салмоғи оширилмоқда. Бу мактабгача тарбия муассасалари, мактаб-интернатлар ва болалар уйлари, жисмоний ва ақлан заиф болалар мактаб-интернатларида ҳам қўлланилмоқда. 12 ёшгача боласи бор кам таъминланган оилаларга нафақа бериш муддати узайтирилмоқда. Биринчи июлдан бошлаб болаларни тарбиялаш учун қисман нафақа бериш муддатини бир ярим ёшгача узайтириш, ногирон болалар учун 16 ёшгача бериладиган нафақани ойига 70 сўмга етказиш ҳам кўзда тутилди. Умуман, ушбу жумҳурият дастури кам таъминланган тоифадаги 3 миллион киши турмуш даражасини кўтаради. Жумҳурият, маҳаллий органлар ҳамда жамоат ташкилотлари бюджетларидан бир миллиард сўм маблағ ана шу дастурни жорий этишга йўналтирилди. Унинг 42,5 фоизи оналар ва болаларга сарфланади.

Қурултойда айтилган фикрларнинг асосий қисми оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилди. Ҳақиқатан жумҳуриятимизда кўп болали оилаларнинг сони мамлакатимиздаги ана шундай оилаларнинг учдан бир қисмини ташкил этади. Қариндош-уруғлари билан оила қураётганлар сони ҳам анча юқори. Айрим хотин-қизлар санитария-гигиена нормаларига жавоб бермайдиган ишлар билан машғул. Мослаштирилган биноларга жойлашган шифохоналар ва болалар муассасалари ҳам анча. Жумҳуриятимизда болалар врачлари Иттифоқдагидан 1,5 марта кам.

МАЪРУЗАДА ва музокарада иштирок этган нотиқларнинг сўзларида Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кейинги йилларда Ленинград шаҳри, Кузбасс ва Кемерово вилоятларида янги хўжалик механизмини соҳада жорий этиш бўйича тажриба олиб борилганлиги ва яхши натижаларга эришилганлиги қайд этилди. Жумҳуриятимизда ҳам соғлиқни сақлаш ишини ана шу механизмга кўчириш муҳим омиллардан бири кадрларни тайёрлаш, улар касб савияларининг юқори даражада бўлишини таъминлаш анжуманнинг диққат-марказида бўлди. Бу борада олиб борилган ишлар ҳали қониқтирмайди. 1988 йилгача ўтган 15-16 йил ичида аҳоли ўсишига қарамасдан тиббиёт олийгоҳларига қабул ўзгармаганлиги туфайли жумҳуриятда аҳолининг шифокорлар билан таъминланиш даражаси анча орқада қолди. Бу тақчиллик йил сайин орта борди. Шуларни ҳисобга олиб, Тошкент тиббиёт олийгоҳида ва Тошкент педиатрия тиббиёт олийгоҳида кечки бўлимлар очилди. Кейинги икки йилда Украина ва РСФСР тиббиёт олийгоҳларига 2000 дан кўпроқ жумҳуриятимиз йигит-қизлари ўқишга юборилди.

Ўзбекистон шифокорларининг I қурултойида ССЖИ соғлиқни сақлаш вазири И. Н. Денисов, Қозоғистон ССЖ соғлиқни сақлаш вазири О. О. Омонбоев, Тожикистон ССЖ соғлиқни сақлаш вазири Ж. И. Иномов, Туркманистон ССЖ соғлиқни сақлаш вазири О. Т. Отаева иштирок этмоқдалар.

Қурултой ўз ишини давом эттирмоқда.

М. ПИРМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Бизнинг суҳбат:

Балиқчи ноҳияси марказий касалхонаси бош шифокори Раҳмонберди ИСОМИДДИНОВни жумҳуриятимиз тиббиёти одимлари акс этган кўргазма олдида учратдик.

— Сизни ноҳиядаги соғлиқни сақлаш борасида амалга оширилаётган ишлар қониқтирадими?

— Албатта. Кейинги йилларда бу борада муайян ишларни адо этдик. Жумладан, соғлиқни сақлаш моддий-техника базаси мустаҳкамланяпти. Шу йилнинг ўзида 250 минг сўмлик асбоб-ускуналар сотиб олдик. Реанимация, неонтология, нотология бўлимлари очилди. «КПСС XXV съезди» жамоа хўжалигининг шинам боғи ва маъмурий биноси асаб касалликлари бўлимига бўшатиб берилди. Ўрмонбекда 60 ўринли даволаш, 5 та қишлоқ шифокорлик амбулаторияси бинолари қурилиб, ишга туширилди.

— Шифокорларнинг биринчи қурултойида қандай муаммолар ҳал этилишини кутяпсиз?

— Анжуманда ҳал қилиниши зарур бўлган ўнлаб муаммоларга батафсил тўхталяпти. Янги хўжалик механизмига ўтишда унинг усулларини яхши билишимиз керак. Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида тинимсиз изланиш зарурлиги уқдириляпти. Албатта, қурултойда режаланган вазифаларни амалга ошириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Жиззах ноҳияси Хайробод қишлоқ шифокорлик амбулаторияси шифокори Раҳматулла СОДИҚОВ:

— Мен 1977 йилдан буён қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатяпман. Кейинги йилларда хизмат кўрсатишнинг янги турлари қўлланилмоқда. Терапия, хирургия, тиш ва кўзни даволаш бўлимлари беморларни қабул қила бошлади.

Биз Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамда Афғонистонда байналмилаллик бурчини ўтаб қайтган ёшларнинг сиҳат-саломатлигига алоҳида эътибор беряпмиз. Шифокор ва ҳамшираларимиз уларга биркитиб қўйилган. Гўзал Ҳайдарова бу борада аҳолининг ҳурматига сазовор бўлаётир. Қирқ йилдан буён меҳнат қилаётган ўрта тиббиёт ходимлари Л. Шелькова, Ф. Мустафоева, В. Шепталовалар ҳам ўз билим малакаларини сарфламоқдалар.

— Қишлоқ шифокорларининг муаммолари ҳақида нима дейсиз?

— Қишлоқ аҳолиси учун хизмат кўрсатаётган шифокорларга етарли шароит яратиш керак. Уй-жой билан таъминлаш, даволаниш синтари масалаларни ҳал этиш даври келди. Шундагина биз янада ғайрат ва шижоат билан ишлаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ССЖда ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Маърузачи—Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўмитаси раисининг ўринбосари депутат Э. Н. ХЎЖАЕВ

Ҳурматли Президент!
Ҳурматли Раис!
Ҳурматли Ўзбекистон халқ депутатлари!
Ўртоқлар!

Бугун биз жумҳуриятимизнинг яқин ўн йиллар ичидаги тақдирини ҳал қиладиган қарорлар ва қонунларни қабул қилмоқдамиз. Бу жараён ниҳоятда қийин ва мураккабдир, чунки бир томондан пухта ва пишиқ ишланмаган қонун кейинги йилларда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги танглик ҳолатларини бартараф қилиш ўрнига, уни кучайтириб юбориши мумкин, бундай шошма-шошарлик билан қабул қилинган қонунларнинг қандай ишлаётганлигини Сиз, азиз ўртоқлар Иттифоқ Олий Кенгашининг амалдаги қонунлари мисолида яққол кўриб турибсиз. Бу ҳозирги ҳаётнинг бир жиҳати. Иккинчи жиҳати шундаки, ҳозир биз бир дақиқа ҳам кечикмаслигимиз, жуда ҳам тез суръатлар билан илгарилаб бораётган ҳаётдан орқада қолмаслигимиз лозим, акс ҳолда бу борадаги сусткашлик бизни кўп йилларга орқага чекинишимизга, умумий ҳаракат шох кўчасидан четга чиқиб, ботқоқликка ботиб қолишимизга сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, кунни-тунга улаб жуда кўп меҳнат қилибгина, биз ҳозирги ҳаёт суръатидан орқада қолмаслигимиз мумкин.

Кўп йиллик иқтисодий ҳаёт ўтмиши бозор иқтисодиётига ўтмасдан бошқа илож йўқлигини бизга яққол кўрсатди ва ҳозирги барча социалистик мамлакатлар ва Совет Иттифоқидаги барча жумҳуриятлар фақат мана шу йўл тангликдан қутулишнинг ягона йўли эканлигини ҳам назарий, ҳам амалий томондан тушуниб етдилар ва бу йўлда дастлабки қадам ташламоқдалар. Бизнинг жумҳуриятимиз бу умумбашарий йўналишга кечга қолиб кириши ёки умуман кирмаслиги ҳурматли ўртоқлар, ҳозир биз билан сизга боғлиқ бўлиб турибди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий шартларидан бири, бу жумҳуриятимизда тадбиркор, билағон, ташаббускор фуқароларни тезроқ ишлаб чиқариш жараёнига жалб этишдир. Жалб этишнинг эса энг демократик усули уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришдир. Бу жараён ҳам мураккаб бўлиб, ўз навбатида бу ҳаракатни, яъни тадбиркорликни Қонун асосида мустаҳкамлаш биз билан сизнинг депутатлик бурчимиздир.

Яна шу нарсани таъкидламоқчиманки, тадбиркорликни ҳуқуқий асосга қўймасдан туриб, биз асосий вазифани, яъни бозор иқтисодиётига ўтишни амалга оширa олмаймиз, чунки бозор иқтисодиётининг танида оқаётган қон, — бу соғлом рақобатдир. Рақобатсиз ва мусобақасиз эса ҳеч қандай бозор ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Демак бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг асосий вазифаларидан бири бу тадбиркорликни ҳуқуқий йўлга қўйишдир.

Ҳурматли ўртоқлар тадбиркорлик биз учун янги нарса эмас, чунки Ўрта Осиё тарихида бу жуда катта из қолдирган. Яқин йилларгача бизлар косиблар, ҳунармандлар, кулоллар, даллоллар, савдогарлар ва соҳибкорларсиз ҳаётни тасаввур қила олмас эдик, чунки улар фаолияти ўша даврнинг, ибтидоий бўлса ҳам мавжуд бозор иқтисодиёти доимий ҳаракатининг асосий манбаи эди.

Буюк мавлоно мир Алишер Навоий ўзининг ўлмас «Маҳбуб-ул қулуб» асарида бутун жамиятни 40 тоифага бўлиб, шулардан энг фаоллари тадбиркорлар тоифасидир деб таъкидлаб ўтган эди. Ўрта Осиё Буюк ипак йўлида жойлашганлиги, унинг жуғрофий жиҳатдан савдосотиқ учун жуда қулай бўлганлиги бу ерда савдога боғлиқ тадбиркорликнинг кенг ривожланишига олиб келган эди. Айрим касбдаги кишилар нафақат Ўрта Осиёга, балки бутун Шарққа машҳур эди.

Инқилобий йиллар Ўрта Осиё халқларига озодлик шамолинигина олиб келмай, балки якка ҳукмронлик тўстўполонини ҳам олиб келди. Натижада мафкуравий ёндошиш кучайиб, тадбиркорлар синф сифатида тугатила бошлади. Уларнинг синф сифатида ғайриқонуний деб топилиши кейинги авлод руҳини тарбиялашда жуда катта салбий из қолдирди. Тадбиркорларга қарши мафкуравий кураш улар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтказиб юрган тарихий, маданий бойликларга, яъни ҳунар тажрибасига аёвсиз зарба берди.

Ҳурматли ўртоқлар, Ўзбекистон ССЖда Тадбиркорлик Қонуни устида ишлашнинг бошидаёқ қўмитамиз аввалambор ана шу бой тажрибани сақлаб қолиш ва уни ривожлантиришни биринчи мақсад қилиб қўйди.

Тадбиркорлик тўғрисидаги Қонунни яратишдан олдин биз бу Қонуннинг қоидаларини ишлаб чиқдик.

Ўзбекистон ССЖда Тадбиркорлик Қонуни қуйидаги қоидалар асосида амалга оширилади.

1. Тадбиркорлик ҳар бир кишининг эркин ташаббусига асосланади.

2. Тадбиркорлик ҳар бир шахснинг тавакалчилик (риск) билан ўз маблағини сарфлашга асосланади.

3. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи Ўзбекистон фуқароси имтиёзли ҳуқуққа эга. Шунингдек жумҳуриятда иттифоқдош жумҳуриятлар фуқаролари, чет эл фуқароси ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишларига йўл берилади.

4. Ҳар қандай тадбиркор фуқаро ўз фаолиятида, яъни жамият учун зарур ва фойдали фаолиятида давлат томонидан тўла ҳимоя қилинади ва унинг сарфлаган маблағидан фойда олишга ҳеч ким тўсқинлик қилмаслиги кафолати берилади.

Қонун лойиҳасини яратишда биз хорижий давлатларнинг тажрибасидан фойдаландик. Асосан шароити биз билан айрим жиҳатдан ўхшаш бўлган Хитой, Сингапур ва Малайзия мамлакатларининг тажрибасидан кенгроқ фойдаландик.

Ушбу Қонун Ўзбекистон ССЖда тадбиркорликни юритиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шартларини белгилайди:

Қонун тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигини таъминлайди, уларнинг ҳуқуқ ва масъулиятини аниқлайди, тадбиркорларнинг бошқа корхоналар ва ташкилотлар, давлат бошқарув идоралари билан муносабатларини йўлга солади.

Қонун фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини ишга солиш, уларнинг амалий фаолиятини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилгандир.

Қонун мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини эркин танлаш, уларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида ишлаши, тенг шароитларда ўзаро ҳамкорлик қилиши ва эркин рақобат ўрнатиши таъминланадиган шароитларнинг яратилишига кўмаклашади.

Бундан шу нарса кўриниб турибдики, Қонун лойиҳасининг мақсади:

Биринчидан, давлат мулкининг айрим қисмини хусусийлаштириб, халқимизда ҳозиргача пинҳона намоён бўлаётган, кўп ҳолларда эса умуман намоён бўлмай йўқ бўлиб кетаётган тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқаришга имконият яратишдир.

Иккинчидан, ҳозирги пайтда хўжасиз бўлиб ётган миллий бойликларимизга эгалик қилишга ва ундан унумли фойдаланишни оқилона ташкиллаштирувчиларга ҳуқуқий рухсат бериш мақсад қилиб олинди. Яқинда бир япон иқтисодчиси Ўзбекистон билан танишиб, бундай бой мамлакатнинг иқтисодининг бирдан-бир касали бу бошқарувнинг йўқлигидир, яъни эгаликнинг йўқлиги, тўла хўжасизлик ҳукмрон деган фикрга келди. Ушбу Қонун лойиҳаси эса хўжасизликка барҳам беришга қаратилган.

Учинчидан, Қонун лойиҳасида асосий эътибор хусусий тадбиркорликни тиклашга ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилгандир. Хусусий тадбиркор бу юридик шахс бўлиб, у асосан ўзининг тадбиркорлигига, ишбилармонлигига, ташаббусига асосланади. Бу ўринда шуни айтиш керакки, Йўлчи ва Мирзакаримбойларнинг замони қайтиб келади деган фикр ҳеч қандай асосга эга эмаслиги, бунинг учун мавжуд йирик ва кучли демократик давлат механизми, бозор иқтисодиётининг рақобат механизми ҳеч қачон йўл қўймаслиги хорижий давлатлар тажрибасидан кўриниб турибди.

Қонун лойиҳасида тадбиркорликнинг учта шакли кўрсатилган:

Биринчи шакли, бу қачонки, тадбиркорлик ўз шахсий мол-мулки асосида юритилади, яъни бошқа сўз билан айтганда, хусусий тадбиркорликдир.

Иккинчи шакли, эса жамоа (ширкат) мулкига асосланган тадбиркорликдир. Бу тадбиркорликнинг юридик шахси бир неча кишидан иборат бўлади.

Учинчидан, Ўзбекистон ССЖда қўшма мулкка яъни бир неча турдаги мулклар қўшилмасидан иборат тадбиркорликка, яъни шерикчиликка рухсат берилади.

Қонун лойиҳасида тадбиркорнинг мантиқан бир-бирини тўлдирувчи ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва унинг масъулияти белгилаб берилган.

Қонун лойиҳасида тадбиркорнинг ҳуқуқлари қуйидагича белгиланган.

Ҳар бир тадбиркор:

— ишлаб чиқариш дастурини мустақил тузиш, маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчиларни танлаш, қонунларда белгиланган ва тузилган шартномаларда ўз аксини топган доирада ўз маҳсулоти ва хизматига нарх қўйиш;

— Ўзбекистон ССЖ қонунларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, моддий, молиявий ва табиий бойликларни жалб этиш ва улардан фойдаланиш;

— Ўзбекистон ССЖ, ССЖИ ва чет эллар ҳудудида ўз шўъбалари, кичик корхоналари ва ваколатхоналарига эга бўлиш;

Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар чиқариш;

— ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатиш, уларга турли шаклларда (иш ҳақи бериш, имтиёзли энг арзон нархларда акциялар сотиш ва бошқа кўринишларда) мукофотлар бериш;

— корхонада ички тартиб қоидаларини белгилаш;

— корхонанинг ошкора (декларация тарзида) эълон қилинган, солиқ тўланган ва бошқа мажбуриятлар бажарилгандан кейин қолган фойдасини эркин тасарруф этиш;

— Ўзбекистон ССЖ қонунларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган чекланмаган миқдордаги шахсий даромад орттириш;

— Ўзбекистон ССЖ Қонунида белгиланган тартибга мувофиқ тадбиркорларни ижтимоий таъминлаш ва ижтимоий суғурталаш.

Ҳар бир тадбиркор:

— амалдаги қонунлардан ҳамда тузилган битимлардан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажаришга;

— эркин рақобат шароитларида бозорда юриш-туриш қоидаларига виждонан амал қилишга;

— ишчилар, ёлланма ишчилар ёки амалдаги қонунларга мувофиқ улар вакил қилган идоралар билан меҳнат шартномалари (битим) тузишга;

— ўз ишчилари, ишга жалб этилганларнинг барчаси билан тузилган битимга мувофиқ корхонанинг молиявий аҳволидан қатъи назар, бутунлай ҳисоб-китоб қилишга;

— табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўз вақтида амалга оширишга, ўз фаолияти натижасида атроф муҳитга етказилган зарарни қоплашга мажбурдир.

Ўзбекистон ССЖнинг Тадбиркорлик тўғрисидаги Қонуни ҳар бир тадбиркорга қуйидаги масъулиятни юклайди.

1. Тадбиркор амалдаги қонунларга мувофиқ ўз мулки доирасида Ўзбекистон ССЖ ва Қорақалпоғистон МССЖ қонунларини бажариш, солиқ, молия ва кредит мажбуриятлари, тузилган битимлар юзасидан, мулкчилик ҳуқуқини бузганлик учун, истеъмолчиларга сифатсиз маҳсулот сотганлик учун, атроф муҳитни булғаганлик учун, виждонсизларча рақобат қилганлиги учун жавобгар бўлади.

2. Тадбиркор турли даражада мулкий жавобгар бўладиган ўз корхонасини таъсис этишга ҳақлидир. Шунга кўра у қарз берувчи олдида ўзининг муомаладаги ва туриб қолган мол-мулки ёхуд корхонада бор бўлган мол-мулки билангина жавобгар бўлади.

Тадбиркорнинг мулкий жавобгарлиги мулк эгаси билан тузилган шартномага мувофиқ чекланиши мумкин.

Шартнома шартларини бузганлик учун жарималарнинг тўланиши, шунингдек етказилган зарарнинг ўрни қопланиши тадбиркорни маҳсулот етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасидаги мажбуриятларни бажаришдан халос қилмайди.

Юқорида зикр этилган Қонун лойиҳаси бандларидан шу нарса кўриниб турибдики, биз бир томондан тадбиркорлик ҳуқуқларини белгилаб, иккинчи томондан унга адолатли масъулият юклаб, унинг фаолиятини тўла равишда жумҳуриятимиз халқи манфаати йўлида хизмат қилишга рағбатлантирамиз. Қонун лойиҳаси бу ўринда масаланинг барча томонларини юридик жиҳатдан асослаб, тадбиркорликнинг юлғичлик йўлига кириб кетмаслигига тўғон бўлиб хизмат қилади.

Қонун лойиҳасида биз учун янги ва кўп баҳсларга сабаб бўлаётган ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳуқуқига жуда катта эътибор берилган. Бу ерда шу нарсани таъкидлаб ўтиш зарурки, Қонун лойиҳасида рухсат этиладиган ёлланма меҳнат инқилобдан олдинги аёвсиз ёлланма меҳнатдан, яъни чорикорлик, мардикорлик ва чўриликдан ҳам мазмунан, ҳам шаклан фарқ қилади.

Биринчидан, биз йўл очиб бераётган ёлланма меҳнат фақат ихтиёрий, яъни ўзаро келишув (битим) асосида амалга ошади. Меҳнат шартномаси (битими) қўйидагиларни ўз ичига олади:

— ходимнинг малакаси тўғрисидаги маълумотлар;

— меҳнат шароитлари, унга ҳақ тўлаш, суғурта қилиш ва ижтимоий таъминлаш;

— шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик;

— шартноманинг амал қилиш муддати;

— ҳар икки томон, яъни ёлловчи ва ёлланувчи келишиб олган маълумотлар.

Иккинчидан, ҳозирги ҳаёт кучли демократик қоидаларга, тенг ҳуқуқликка, адолатга, инсонпарварликка асосан қонунлар негизида тузилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳеч кимнинг бировларни мажбуран ишлатишга ҳақи йўқ, ҳар бир иш фақат келишув асосида амалга ошиши мумкин.

Учинчидан, инқилобдан олдин жумҳуриятимизда битта мулк, яъни хусусий мулк ҳукмрон эди. Ҳозир эса биз кўп мулкчилик шаклига ўтмоқдамиз. Бу эса ўз навбатида эксплуатацияни фақат демократик асосда олиб боришнинг асосий омилидир. Чунки ҳар қандай тадбиркор, яъни тавакалчиликка асосланган одам ўз фаолиятида ёлланма меҳнатни ардоқламаса, у албатта қўшимча фойдадан маҳрум бўлади ва бозорда инқирозга учрайди. Шу шароит эса уни ҳар доим ёлланма меҳнат учун яхши шароит яратиб, ундан унумли фойдаланишга замин яратади.

Масаланинг мана шу томонларини эътиборга олиб, биз Қонун лойиҳасида ёлланма меҳнат муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан ойдинлаштирувчи қуйидаги бандларни киритдик.

— Тадбиркор Ўзбекистон ССЖнинг Меҳнат тўғрисидаги қонунлари талабларига риоя қилиши, хавфсизлик, санитария ва меҳнат гигиенаси талабларига риоя этилишини таъминлаши лозим.

— Соатбай иш ҳақининг шартномада ёки битимда белгилаб қўйилган энг оз миқдори давлат томонидан белгиланган энг кам миқдордан кам бўлиши мумкин эмас.

— Тадбиркор Ўзбекистон ССЖ қонунларига, Қорақалпоғистон МССЖ ҳудудида эса Қорақалпоғистон МССЖ қонунларига мувофиқ корхона ходимларининг ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот жамғармаларига пул ўтказади.

— Корхонада ишланган вақти корхонанинг ижтимоий таъминот жамғармасига ўтказган пули асосида пенсия олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшилади.

Бизга маълумки, ҳозирги пайтда кўпчилик ташаббускор, тадбиркор кишилар бирон ишга қўл уришдан қўрқиб турибдилар, чунки давлатнинг бу соҳадаги сиёсати кейинги йилларда барқарор эмас. Шунинг учун ҳам биз Қонун лойиҳасида давлат билан тадбиркорларнинг ўзаро муносабатини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ қилиб кўрсатдик.

Биринчидан, давлат бошқарув идоралари тадбиркорлар билан ўз муносабатларини ташкил этганда:

солиқ ва молия-кредит сиёсатидан, шу жумладан солиқларнинг ҳамда давлат кредитлари бўйича процентларнинг ставкаларидан, солиқ соҳасидаги енгилликлар ва нарх белгилаш қоидаларидан, амортизация ажратмалари нормаларидан, иқтисодий жарима чоралари миқдорларидан;

давлат мол-мулкидан ва заҳира жамғармаларидан, лицензиялар, концессиялар, лизинглар, ижтимоий, экологик ва бошқа нормалар ҳамда нормативлардан;

ташқи савдо ва валюта-молия сиёсатидан;

давлат буюртмаларидан;

умумдавлат, жумҳурият ва минтақа дастурларидан фойдаланадилар.

Иккинчидан, давлат идоралари ва мансабдор шахслар тадбиркорларга фақат қонунларда белгилаб қўйилган ўз ҳуқуқ доирасидагина кўрсатма беришлари мумкин. Давлат идораси ўз ҳуқуқ доирасига мос келмайдиган ёки қонунларни бузадиган ҳужжат нашр этган тақдирда тадбиркор судга мурожаат этиб, мазкур ҳужжат ҳақиқий эмас деб топилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Учинчидан, тадбиркорларнинг давлат билан муносабатларини тартибга солиш учун Қонун томонидан ваколат берилган бошқарув идоралари тадбиркорларнинг моддий-мулкий, молиявий, меҳнат, ахборот ва табиий ресурслардан конкурс ва ҳақ тўлаш шарти билан фойдаланиш учун тенг ҳуқуқларни таъминлаб беришлари лозим.

Тўртинчидан, давлат буюртмасини ихтиёрий равишда қабул этган корхоналар буюртма берган идора томонидан моддий-техника ресурслари билан, агар шартномада бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, шу буюртмани бошқариш учун зарур бўлган ҳажмда таъминланади.

Бешинчидан, давлат эркин хўжалик фаолияти ва тадбиркорликни бевосита қўллаб-қувватлайдиган кўмакчи муассасаларни, шу жумладан ахборот, маслаҳат берадиган марказлар ва ўқув марказларини вужудга келтиради.

Олтинчидан, давлат халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ва эркин тадбиркорлик тақиқланган бир қанча тармоқларнинг корхоналари ўз вазифасини бажариш йўлида ишлашни бевосита таъминлайди.

Қонун лойиҳасида кўрсатиладики, агар бирон давлат идораси тадбиркорларга ноқонуний, яъни ноҳақ йўл билан зарар келтирса, албатта суд орқали тадбиркор бу зарарни шу идорадан талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Яна шуни таъкидлаш керакки, давлат тадбиркорлик мулкини, худди ўз мулкидек асраши ва қўриқлаши лозим, фақат шундай қилингандагина, ҳар бир тадбиркор тўла комил ишонч билан ўз фаолиятини унумли юргиза олади.

Маърузамни якунлаб шуни айтмоқчиманки, ҳурматли депутатлар, албатта Қонун лойиҳаси ҳали тўла такомил шаклига киргани йўқ. Мен ўйлайманки, сизларнинг зийрак фикрларингиз бу Қонун лойиҳасини ана шу такомил шаклига олиб келишига ишончим комил. Бу Қонуннинг сессияда қабул қилиниши бозор иқтисодиётига катта ҳуқуқий йўл очиб беради ва халқимизнинг тиниб-тинчимас ташаббускор ва тадбиркор кишиларини улуғ мақсадларимиз йўлида самарали хизмат қилишига замин яратади.

«ЎЗБЕКИСТОН ССЖда МУЛКЧИЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Маърузачи—Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўмитаси раисининг ўринбосари депутат Э. Н. ХЎЖАЕВ

Ҳурматли Президент!
Ҳурматли Раис!
Ҳурматли Ўзбекистон халқ депутатлари!
Ўртоқлар!

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик тўғрисида»ги Қонун биринчи ўқувда қабул қилинган эди.

Бу Қонуннинг аҳамияти ҳақида гапирсак, у «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қоидалари» программасини амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки иқтисодий ислоҳотнинг энг асосий масаласи бу — мулкчилик муносабатларини ўзгартиришдир. Бу ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмаса керак, албатта.

Бу қонун жумҳурият иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини аниқлаб бериши керак.

«Ўзбекистон ССЖда мулкчилик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси 1990 йил 13 июлда «Правда Востока» ва 18 июль куни «Совет Ўзбекистони» газеталарида чоп этилди. Умумхалқ муҳокамасига чиқарилди. Чунки энг яхши иш берадиган қонунлар жамоатчилик фикрига асосланиши, халқ донолигидан келиб чиқиши керак.

Қонун лойиҳасига энг аввало Олий Кенгашнинг барча қўмиталаридан, Вазирлар Кенгашининг бўлинмаларидан, вазирликлардан, илмий муассасалардан, олий ўқув юрти ўқувчилари ва студентларидан, ишчи ва деҳқонлардан жуда кўп фикр ва мулоҳазалар келди, ўлар газеталарда эълон қилинди. Бу эса жамоатчилик ғоят кенг доираларининг фуқаролик жиҳатдан етуклиги, қайта қуриш тақдири учун масъулиятни ҳис этаётганлигининг яна бир далилидир.

Лойиҳадаги айрим қоидаларни талқин этиш, ундаги моддаларни теранлаштириш ва ривожлантиришга доир қимматли мулоҳазалар, таклифлар, тавсиялар олинди.

Қўмита номига 100 дан ортиқ хат келди. Жумҳурият ва вилоят газеталари саҳифаларида бир қанча мақолалар эълон қилинди.

Самарқанд давлат университети профессори Э. А. Аликулов томонидан тайёрланган ва Самарқанд вилоят партия қўмитаси томонидан алоҳида рисола ҳолида чоп этилган илмий-амалий концепция ва муқобил лойиҳа олинди.

Ишчи гуруҳи томонидан келган таклифлар диққат билан ўрганилди.

Натижада лойиҳага кўпгина тузатишлар, қўшимчалар киритилди.

Кўпгина хатларни умумлаштириб, унинг муаллифларига мен 18 сентябрь куни чоп этилган «Совет Ўзбекистони» газетасидаги «Қонунларни тайёрлашда халқ билан маслаҳатлашиб», «Правда Востока» газетасида чоп этилган «Советуясь с народом» номли мақоламда қўмита номидан катта миннатдорчилик изҳор этиб, шу хатларга изоҳ бердим.

Аминманки, аксарият депутатлар бу мақолалар билан танишлар.

Шунинг учун сизларнинг қимматли вақтларингизни кўпроқ изоҳ билан чегараласамда ва Қонунга киритилган тузатишларга тўхталсам. Газетада эълон қилинган лойиҳанинг кириш қисмида: Ўзбекистон ССЖ мулки дахлсиздир, дейилган эди.

Янги редакция асосида «Ўзбекистон ССЖда мулк дахлсиздир» деб берилди. Бу билан Ўзбекистон ССЖ худудидаги мулкнинг барча турлари дахлсизлигини таъкидлаб ўтмоқдамиз. ТошДУ студенти И. Пугач («Правда Востока» газетасининг 1990 йил 11 август сони) ва бир қатор бошқа ўртоқларнинг таклифларини инобатга олиб, 1-модданинг 6-бандидаги «Мулкнинг ҳар қандай шаклидан фойдаланиш эксплуататорлик руҳида бўлмаслиги керак» деган сўзлар олиб ташланди.

Самарқандлик профессор К. С. Саидов таклифига асосан Ўзбекистон ССЖ фуқароларининг мулки тўғрисида гап борадиган 4, 6, 7, 8,9-моддаларнинг мазмунн қайта кўриб чиқилди ва қонун лойиҳаси матнининг қиёсий жадвалида бу ўз аксини топди.

Профессор К. С. Саидов таклифига асосан Қонун лойиҳасига янги 23-модда — «Ўзбекистон ССЖнинг жумҳуриятдан ташқаридаги мулки» моддаси киритилди. Бу таклиф Ўзбекистон ССЖда Президент ҳокимияти жорий этилиб, жумҳурият мустақиллиги тўғрисидаги Декларация қабул қилингач, чет мамлакатлар билан бевосита сиёсий ва иқтисодий алоқалар ўрнатилишидан, Иттифоқ шартномасини тузишдан келиб чиқади. Жумҳуриятимиз бошқа жумҳуриятларда, чет эл мамлакатларида муайян мулкка эга бўлган ўз ваколатхоналарини очади.

Мана бу хатга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов ноҳиясидан 26 нафар уруш ва меҳнат ветеранлари биргаликда хат ёзишиб «Жумҳурият ҳудудида жойлашган ер ва унинг бойликлари, ишлаб чиқариш ресурслари Ўзбекистон ССЖ халқларининг мулкидир» деб аниқ баён қилинишини таклиф этмоқдалар.

Улар жумҳуриятдан ташқарига олиб кетилган ва ҳозир марказий музейларда сақланаётган тарихий ҳамда маданий бойликларни Ўзбекистон ССЖ мулки деб эълон қилишни таклиф этмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, ўртоқлар, сир эмаски, Бухородаги «Ситораи Мохи-Хоса»да амир давридан қолган, лекин халқ томонидан яратилган олтин зеб-зийнатлар, бошқа вилоятлардан олиб кетилган тарихий ва маданий бойликлар Ленинграддаги Эрмитажда, Москва музейларида сақланмоқда.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Шукурулло Раҳматович! Депутат ўртоқлар!

Мен шундай таклиф киритмоқчиман. Ўйлайманки, сизлар буни қўллаб-қувватлайсизлар. Бизлар байналмилалчилармиз, дўстликнинг қадрига етамиз. Майли шу ноёб бойликлар Эрмитаж ва Москва музейларида қолсин, чунки уларни бутун дунёдан келаётган миллион-миллион кишилар томоша қилмоқдалар. Лекин ана шу бойликларнинг остига Ўзбекистон ССЖ мулки деб ёзилиб, уларнинг қиймати аниқланиб, жумҳурият маҳаллий бойлигига қўшилсин. Бу Иттифоқ шартномасида ўз аксини топсин.

Тўғрими, ўртоқлар?

Нуроний отахонларимиз хатларидан яна бир хулоса келиб чиқади. У ҳам бўлса — жумҳурият ҳаётида маҳалланинг роли. Сизларга бир маҳаллада, кварталларда, кўп қаватли уйлар ёнида чойхоналарни қуриш ва уларни ижтимоий-маданий марказга айлантирилишини катта иш деб биламан. Бу намунали ишни кенг ёйиш керак.

Биз барча таклиф ва мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасига анчагина ўзгартиш киритдик. Масалан, кириш қисмига, 2-модданинг биринчи бандига, 4-модданинг биринчи бандига, 5-модданинг биринчи бандига, 6-модданинг биринчи бандига, 9-модданинг биринчи бандига, 13-моддага, 16-модданинг биринчи бандига, 20-модданинг биринчи бандига ва бошқа моддаларга матн жиҳатидан ёки бошқа ўзгартишлар киритилди. Умуман олганда, биз бу Қонуннинг ҳамма моддаси ва бандларини қайтадан таҳлил қилдик ва кўпгина ўзгартишлар киритдик. Дастлабки Қонун лойиҳасида бўлган 8-модда олиб ташланди ва унинг ўрнига ҳусусий мулк ҳақидаги мулоҳазалар киритилди.

Ўртоқлар, вақт камлиги ва Қонун лойиҳаси матнининг қиёсий жадвали ҳаммаларингизга тарқатилганлигини ҳисобга олиб бу масалада кўп тўхталмадим. Сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилинган ўзгартишлар тўғрисидаги ўз мулоҳазаларингизни билдирсаларингиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

НУТҚЛАР КУНДАЛИГИ

Жумҳурият Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугровнинг сессиядаги «Ўзбекистон ССЖда халқ депутатларининг мақомн тўғрисида»гн Қонун лойиҳаси хусусида қилган маърузаси юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиққан нотиқлар Қонун лойиҳасига бир қанча аниқ таклиф киритдилар.

Депутат **А. В. Горностаев** мазкур Қонун лойиҳасини Навоийда барча даражалардаги депутатлар дастлабки тарзда қунт билан ўрганиб чиқиб, муҳокама қилганликларини, шаҳар депутатлар клубида бирталикда бир қанча моддаларга тузатиш ва ўзгартишлар ишлаб чиқилганлигини уқтирди. Бу ерда уларни батафсил санаб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак: тузатишлар ва ўзгартишлар бундан кейин ўрганиш ва фойдаланиш учун жумҳурият Олий Кенгашининг тегишли комитетига берилган. Бу ерда тақдим этилган Қонун лойиҳасини асос учун қабул қилиш, сўнг муҳокама жараёнида депутатлар билдирган барча фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни ҳисобга олиб, зарур даражада ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва шундан кейин жумҳуриятда халқ депутатларининг мақоми тўғрисидаги Қонуннинг узил-кесил нусхасини тасдиқлаш мумкин бўлади.

Депутат **С. Ш. Мирзаев** ўз нутқида унинг фикрини давом эттирди: турмушимизда ва депутатлик фаолиятимизда ушбу Қонун ҳал қилувчи омил бўлади. Шу сабабли Қонун лойиҳасининг ҳар бир моддасини диққат билан қўриб чиқиш керак. Энди депутатларнинг ҳуқуқлари каттароқ бўлади, лекин мақомда назарда тутилган депутатлик вазифаларини бажаришдаги масъулиятни ҳам ошириш лозим.

Депутатлар ҳар ҳафтада маҳаллалар, шаҳарлар ва районларда ўз сайловчилари билан учрашмоқдалар, улар билан турли муаммолар ҳамда воқеаларни муҳокама қилмоқдалар, муайян хулосалар чиқармоқдалар. Мунозаралар кўпинча жуда қизғин бўлади. Бундай мунозараларда муайян даражада маданият ҳам бўлиши жуда зарур; митинглар қилмасдан тотувлик йўлларини топиш, умумий натижаларга эришиш уқуви халқ ўзи танлаб сайлаб қўйган кишиларнинг иш куролига айланиши зарур. Бу ҳақда Насриддин Афанди ҳам гапирган эди: ҳаётда энг осони — маслаҳат бериш ва панд-насиҳат қилишдир, энг оғири эса ана шу маслаҳатларни ўрнига қўйиб бажаришдир. Панд-насиҳатдан боши чиқмайдиган кишиларга ўхшаб қолмаслик керак.

Қонунни таҳрир этиш — унинг қаерига нуқта ва қаерига вергул қўйиш кераклигини аниқлаш бизнинг ишимиз эмас, деб таъкидлади нотиқ. Балки Қонуннинг самарадорлигини таъминлайдиган аниқ-равшан қонун-қоидаларни таклиф этиш керак. Камроқ гапириб, кўпроқ ишлаш, парламент ишларини олиб боришда тезроқ тажриба тўплаш зарурдир. Бизга худди ана шу нарса етишмаяпти, айни вақтда парламент маданиятига ҳам эга бўлишимиз даркор. Бу ерда ишлар ҳақида гапириш, қилинган ишлар юзасидан ҳисоб бериш керак. Ана ўшанда халқ сайлаб қўйган кишиларнинг ўз сайловчилари олдидаги обрўси янада тезроқ ортадиган бўлади.

Депутат **М. Ж. Жўраев** Муборак шаҳар кенгаши сессиясининг якунлари ҳақида гапирди. Сессияда халқ депутатлари мақоми тўғрисидаги Қонун лойиҳаси батафсил ўрганиб чиқилган ва муҳокама қилинган эди. У сессиянинг ана шу якунларига асосланиб муҳокама этилаётган Қонун лойиҳасининг айрим моддалари юзасидан фикр билдирди, тузатишлар киритди. Ҳар қандай қонунни осмондан олиш керак эмас, балки уни ҳаёт билан, Конституция билан мослаштириш зарур. Қонун шу ондаги мақсадларгагина хизмат қилмаслиги керак, деб таъкидлади нотиқ, — у узоқ муддатга мўлжалланган ва амалий қонун бўлмоғи лозим.

Турган жойларидан сўзлаган нотиқлар халқ депутатлари мақоми тўғрисидаги Қонун Ўзбекистон ССЖнинг амалдаги Конституцияси асосида ишлаши лозимлигини таъкидладилар. Илгари бу масалага иккинчи даражали масала сифатида қараб, нотўғри муносабатда бўлдилар. Барча даражалардаги депутатлар мутлақо бир хил ҳуқуққа эга бўлишлари зарур.

Депутатлар сўрови юзасидан етарли даражада якдиллик билан бир хил фикр айтилди. Депутат берган ҳар қандай сўров расмий ҳужжат эканлиги, бу сўровга сўзсиз биринчи даражали раҳбар жавоб бериши кераклиги таъкидланди.

Советлар фаолиятида қуйи ва юқори даражада сайлаб қўйиладиган бўғинларнинг вазифаларини аниқ белгилаш, улар ўзаро муносабатларининг қандай бўлишини, тобелик тартибини аниқлаб қўйиш зарур, токи бу муносабатлар уларнинг фаолиятига халақит бермасин. Турли-туман депутатлар комиссияларининг аҳамиятини ҳам кучайтириш, улар фаолиятининг иложи борича кўпроқ самарадор бўлишини таъминлаш керак.

Ўзбекистон ССЖ Конституциясига ўзгартишлар тўғрисида ҳам таклифлар айтилди. Қонунларнинг аниқ воситаларини ишлаб чиқиш зарур, дейишди депутатлар. Давлат ҳокимиятининг олий идоралари қабул қиладиган қарорлар қуйи идоралар сўзсиз бажарадиган қонунга айланиши керак. Жойларда Президент Кенгашининг доимий вакиллари бўлиши ва иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Кўпгина депутатларнинг нутқларида илгари қабул этилган қонунлар амал қилмаётганлиги таъкидланди. Ижро этувчи ҳокимиятни кучайтириш, хизмат бурчига биноан қонунлар ва қарорлар бажарилишини ташкил этиш лозим бўлган, у ёки бу муаммоларнинг ҳал қилиниши учун жавобгар кишилардан қаттиқ талаб қилиш зарур. Сайловчиларнинг топшириқларини бажаришга доир ишларни такомиллаштириш даркор.

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ПОСБОНЛИГИДА

Совет милицияси ходимлари 73 йилдан буён ҳуқуқ-тартибот посбонлигида турибдилар. Уларнинг касб байрамига атаб Тошкентда тантанали йиғилиш ўтказилди.

Ҳозир кўпайиб бораётган жиноятчиликка қарши кураш қатъиятни, мардлик ва жасоратни талаб қилади. Афсуски, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолиятидаги жиддий камчиликлар ҳам тугатилмаганлиги йиғилишда айтиб ўтилди.

